

Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломнинг килган газотларидан бири тугагач, бир мусулмон хотин тушиб колган ярадорларни излаб топмокчи бўлди: ўликлар орасига кирди. У ён-бу ённи излар чоғда “Ох... сув!..” деган бир товуш эшитди. Бир ярадор мусулмоннинг сувдонини кўрди.

Озрок сув топиб шу ярадорнинг олдига келди. Бошини астагина кўтариб, сувни ичтирмакчи бўлди. Ярадор мусулмон дудогини сувга еткузар чоғда бошка ёқдан “Ох... сув!..” деган ўзга бир товуш келди. Ярадор сув келтирган хотинга дедик:

- Бу сувни мендан бурун шу товуш эгасига элтиб бер. Бир йўлдошим яраланиб сувсаб ётар экан, мен ичолмайман.

Хотин сувни иккинчи ярадорга олиб борди. У ҳам сувни ичайин деб турган чоғида “Ох... сув!..” деган яна бир товуш эшитди, хотинга дедик:

- Шу йўлдошим сувсиз экан, мен ичолмайман, бер сувингни шунга.

Хотин сувни учинчи ярадорга етказди. У сувни ичаётганда биринчи ярадорнинг “Ох... ўлдим... сувсизликдан” деган товуши келди. Бу ҳам хотинга:

- Сувингни мендан бурун шу товуш эгасига бер! – деди ва ўзи ичмади.

Хотин яна қайтиб биринчи ярадорнинг олдига келса, бечоранинг ўлиб ётганини кўрди.

Иккинчи ярадорнинг олдига борди, у ҳам ўлиб ётган экан. Учинчи ярадор ҳам сувсизликдан ўлиб колмасин дея югуриб кетди:

- Эй, вох!.. Бу ҳам ўлиб қолибди! – деб сувни тўкди.

Мусулмонларнинг ўлим чоғида ҳам бир-бирларини канчалик севишларини ўйлаб кўз ёш килди.

Абдурауф Фитрат

“Ўқи” китоби, Боку, 1917 йил